





## Ислом Нури

□□□□).

Имом Муслим Абу Ҳурайра розияллоху анҳудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: «Беш вақт намоз, жумъа кейинги жумъагача, Рамазон кейинги Рамазонгача ўртадаги (кичик) гуноҳларга каффорат бўлади, агар (шу амалларни қилувчи) гуноҳи кабиралардан четланса», дедилар.

□□□□□□ □□□□□□ □□□□ □□□□□□ □□□□□□ □□□□□□□□□□ □□□□ □□□□  
:□□□□□□ □□□□□□□□□□ □□□□□□ □□□□□□ □□□□□□□□□□ □□□□□□ □□□□□□  
□□□□□□□□ □□□□□□ □□□□□□□□ □□□□□□□□□□□□ □□ □□□□□□ □□□□□□»  
□□□□□□□□□□ □□□□□ □□□□□□□□ □□□□ □□□□□□ □□□□□□ □□□□□□□□  
□□□□ □□□□) «□□□□□□□□□□□□ □□□□□□□□ □□□□□□□□□□□□ □□□□

Муттафақун алайҳ бўлган ҳадисда Абу Ҳурайра розияллоху анху шундай дейди: Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам жумъа кунини зикр қилиб: «У кунда бир соат борки, унга мусулмон киши намоз ўқиган, Аллоҳдан бирон нарсани сўраган ҳолда тўғри келса, Аллоҳ унинг тилагини албатта беради», дедилар ва қўллари билан у вақтнинг жуда оз эканига ишора қилдилар.

### Шарҳ:

Жумъа куни улуғ айёмлардан бўлиб, Аллоҳ таоло бу кундан яҳуд ва насороларни маҳрум қилиб, ўзининг фазли карами билан уни бу умматга хос қилди. Жумъа намозини ўқиш гуноҳ сағиралар учун каффорат бўлади. Унда бир соат борки, қайси бир мусулмон киши бу соатга Аллоҳ таолодан бирон нарсани сўраган ҳолда мувофиқ келса, Аллоҳ таоло уни албатта беради. Имом хутба қилаётган пайтда беҳуда иш ёки сўз билан машғул бўлиш жума савобини кетказди ва шу



## Ислом Нури

одамни гуноҳкор қилади. Абу Ҳанифа хутбага қулоқ солиш вожиб ундан машғул бўлиш ҳаром деганлар. Бу ҳолат имом хутбани бошлаганидан то минбардан тушгунича бўлади.

Жумъа кундаги дуо ижобат бўладиган вақт ҳақида уламолар кўп сўзларни айтганлар улардан кучлироғи имом хутба учун минбарга чиққандан бошлаб то жумъа намози ўқиб бўлингунича сўнгра аср намозидан кейин то қуёш ботгунча, бу сўзларни қувватловчи саҳиҳ ҳадислар мавжуд. Мазкур икки вақтда мусулмон киши дуода астойдил бўлиши керак.

### **Бугунги дарсдан олинadиган фойдалар:**

1. Жумъа куни ҳафта кунларининг энг яхшисидир.
2. Жумъа намози кўп фазилатли бўлиб, у гуноҳ сағираларнинг кечирилишига сабаб бўлади.
3. Бу кунда бир қисқа вақт борки, унда мусулмон киши Аллоҳ таолога дуо қилган ҳолда тўғри келса, Аллоҳ таоло унинг дуосини ижобат қилади.